

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2026 йил февраль ойининг 19 куни, жиноят ишлари бўйича Иштихон туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Ж.Раупов, судья ёрдамчиси Б.Тошпўлатовнинг котиблигида, тарафлардан Иштихон туман прокурори катта ёрдамчиси С.Хакимов, судланувчи М.Расулов ва унинг ҳимоячиси Самарқанд шаҳар “Lider Yurist” адвокатлик бюроси адвокати О.Дустмурадов, жабрланувчилар И.Хикматовларнинг иштирокида, Расулов Мўмин Абдихаҳоб ўғлига оид № 1-1407-2601/14-сонли жиноят иши кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Расулов Мўмин Абдихаҳоб ўғли (Rasulov Mo'min Abdihakob o'g'li) 1996 йил 06 апрель куни Самарқанд вилояти, Иштихон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, вақтинча ишсиз, оилали, 2 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Иштихон тумани, “Қирқйигит” МФЙ, Қирққиз қишлоғида яшаган, унга нисбатан “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган бўлиб, 15.12.2025 йилдан ҳибсда сақланмоқда, айблов ҳулосаси нухасини 2026 йил 28 январь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди ва 227-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳлар кўрсатмаларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, томонларнинг музокараси ҳамда судланувчининг охириги сўзини эшитиб, шунингдек, ишда бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Расулов Мўмин Абдихаҳоб ўғли, ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиб, текин бойлик орттириш мақсадида, 2025 йилнинг 20 сентябрь куни соат 17:00да Иштихон тумани “Қирқйигит” маҳалласида яшовчи жабрланувчи Хикматов Ибрагим Нигматовичнинг яшаш хонадонига ғайриқонуний равишда кириб, унинг ошхонасида бўлган умумий баҳоси 2.000.000 сўмлик бир дона “Samsung A10” ва бир дона “Samsung A02” русумли телефон аппаратларини яширин равишда талон-торож қилиб, воқеа жойидан яширинган.

Бундан ташқари, судланувчи Расулов Мўмин Абдихаҳоб ўғли ўзининг жиноий ҳаракатини давом эттириб, ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиб, текин бойлик орттириш мақсадида, 2025 йилнинг 22 сентябрь кунидан 29 сентябрь кунига қадар бўлган вақт оралиғида Иштихон тумани “Қирқйигит” маҳалласида яшовчи жабрланувчи Хикматов Ибрагим Нигматовичнинг яшаш хонадонидан Ўзбекистон Республикаси миллий



валютаси ҳисобида 1.213.867 сўмга тенг бўлган 100 АҚШ доллари, икки дона ошхона пичоғи, икки дона қўл соати, бир дона носқовоғи, бир дона қўл фонари, 200.000 сўм миқдордаги пулларни, бир дона баҳоси 100.000 сўмлик билакузукни, жами баҳоси 3.396.000 сўмлик моддий бойликлари ҳамда яшаш уйининг ошхонасида бўлган жабрланувчи И.Хикматовга тегишли муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳарбий гувоҳномасини яширин равишда талон-торож қилиб, воқеа жойидан яширинган.

Судланувчи Расулов Мўмин Абдихаҳоб ўғли ўзининг суддаги айбига тўлиқ иқроп бўлиб, у Иштихон тумани “Қирқийигит” маҳалласида яшовчи И.Хикматовни танишлигини, у билан бир маҳаллада яшаб келишлигини, у 2025 йилнинг 20 сентябрь куни соат тахминан 17:00 ларда маҳалласини ички кўчасидан ҳаракатланиб маҳалладоши И.Хикматовни яшаш уйи олдидан ўтиб кетаётган вақтида, унинг яшаш уйини олдида ҳеч ким йўқлигини кўрганлигини, сўнг у унинг ҳовлисига кирганлигини ва яшаш уйига кириш эшиги олдида келганлигини, шу вақтда унинг деразасидан қараган вақтида яшаш уйини ички қисмида икки дона “Samsung A10” ва “Samsung A02” русумли телефон аппаратларини турганлигини кўрганлигини, сўнг унда ушбу телефон аппаратларини ўғирлаш фикри пайдо бўлганлигини, сўнг у ушбу икки дона телефонларни кириб олганлигини ва ушбу телефон аппаратларини чўнтагига солиб, ушбу жойдан чиқиб кетганлигини, сўнг у ушбу телефон аппаратларини сотиш учун Иштихон тумани “Деҳқон бозори” олдида келиб, ушбу жойда маҳалладоши Жониқулов Расулжонни кўриб қолганлигини, сўнг у телефон аппаратларини унга сотишни режалаштирганлигини, у ушбу телефонларни Р.Жониқуловга сотиш учун маҳалладоши Қ.Қайимовга кўнғироқ қилиб, унда икки дона телефон аппаратлари борлигини, ушбу телефон аппаратлари ўзига тегишли эканлигини ва пул керак бўлиб қолганлиги учун ушбу телефон аппаратларини маҳалладоши Р.Жониқуловга сотиш учун олиб келганлигини, унга икки дона “Samsung A10” ва “Samsung A02” русумли телефон аппаратларини кўрсатиб, ушбу телефон аппаратларини сотмоқчи эканлигини айтганлигини, Р.Жониқулов ушбу телефон аппаратлари кимга тегишли эканлигини сўраганида, у ушбу телефон аппаратлари Қ.Қайимовга тегишли эканлигини айтганлигини, у Р.Жониқуловни ҳам Қ.Қайимов билан телефон орқали гаплаштирганлигини, Қ.Қайимов ушбу телефон аппаратларини ўғирланганлигини билмаган ҳолда Р.Жониқуловга телефон аппаратларини сотиб олаверишлигини айтганлигини, сўнг у Р.Жониқуловга ушбу телефон аппаратларини 450.000 сўмга сотганлигини, Р.Жониқулов ҳам ушбу телефон аппаратларини ўғирланганлигини билмаган ҳолда ундан ушбу телефон аппаратини сотиб олганлигини, сўнг у ушбу пулларни ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборганлигини, орадан бир икки кун ўтгандан сўнг, И.Хикматовнинг яшаш хонадони ёнидан ўтиб кетаётган вақтида унинг уйи деразасидан қараган вақтида, носқовоғини кўриб қолиб, ушбу носқовоғини ўғирлаш мақсадида И.Хикматовнинг яшаш хонадонига кириб, у ерда 100 АҚШ доллари, икки дона ошхона пичоғи, икки дона қўл соати, бир дона носқовоғи, бир дона қўл фонари, 200.000 сўм миқдордаги ларини, бир дона билакузукни олиб чиққанлигини, лекин у И.Хикматовга



тегишли ҳарбий гувоҳномасини олмаганлигини, ушбу олган пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлигини, бошқа олган нарсаларини қаердадир қолдириб кетганлигини эслай олмаслигини, у ушбу жиноятни маслиги сабабли содир қилганлигини, 2025 йилнинг 10 октябрь куни соат тахминан 14:00ларда уни олдига туман ИИБ ходимлари келишганлигини ва улар уни “Қирқйигит” маҳалласида яшовчи И.Хикматова тегишли бўлган икки дона телефон аппаратларини ўғирлаб кетганликда гумонланаётганлигини айтишганлигини ва у бўлган ҳолатни ИИБ ходимларига айтиб берганлигини, ҳозирда етказилган моддий зарарларни қоплашга имконияти йўқлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, қилмишини оқибатларини англаб етганлигини, уни кечириб, қонуний енгиллик беришни сўрагани ҳақидаги кўрсатуви;

-жабрланувчи Хикматов Ибрагим Нигматовичнинг суддаги, турмуш ўртоғи Ҳикматова Шаҳригул 2015 йил 23 март куни касалликдан вафот этганлигини, фарзандлари алоҳида оила қуриб, чиқиб кетишганлиги сабабли яшаш уйида бир ўзи яшаб келишлигини, 2025 йилнинг 20 сентябрь куни 16:30 ларда уни яшаш уйига М.Расулов келганлигини, М.Расулов унга уни ҳоким чақираётганлигини айтган вақтида, у унга нега ҳоким чақирганлигини сўраганлигини, у билмаслигини, маҳаллада жойлашган фермер хўжалик пахта экинзорида ҳоким турганлигини ва уни чақираётганлигини айтганлигини, сўнг у кўчага ҳаракатланиб чиқиб, озроқ вақт маҳаллани айланиб қайтиб келганлигини, яшаш уйига келган вақтида яшаш уйини ошхонасида турган бир дона “Samsung A10” ва бир дона “Samsung A02” русумли телефон аппаратлари йўқлигини, телефонлари ўғирлаб кетилганлигини билганлигини, сўнг 2025 йилнинг 21 сентябрь кунидан 28 сентябрь кунига қадар яшаш уйидан икки дона қўл соати, икки дона пичоқ, 100 АҚШ доллари, бир дона 100.000 сўмлик купюрадаги икки дона 50.000 сўмлик купюрадаги пуллар, бир дона қўл фонари, бир дона ҳарбий гувоҳномаси, унга ота-онасидан қолган бир дона баҳоси 100.000 сўмлик билакузуклари йўқолганлигини, у ушбу нарсаларни ўғирлаган шахс яна уни яшаш уйига ўғирликка тушишини ўйлаб, уни пойлаб юрганлигини, 2025 йилнинг 29 сентябрь куни соат тахминан 19:30 ларда у яшаш уйининг экин майдонида жойлашган боғда ишлаб, дарахтларига қараганлигини, сўнг у яшаш уйининг ошхонасига кириб, бокалини олиб, чой ичмоқчи бўлганида, ошхонасини кириш эшиги девори четига маҳалладоши М.Расулов суяниб уни кўриб қолмасин деб ундан яшириниб турганлигини кўрганлигини, сўнг у дарҳол М.Расуловни яшаш уйига ўғирликка тушганлигини билиб, уни ушламоқчи бўлганида, М.Расулов уни кўриб ошхонанинг эшигидан чиқиб, ташқарига қочиб кетганлигини, у дарҳол уни ортидан қувганлигини, аммо ета олмаганлигини, у яшаш уйини текшириб кўрган вақтида бир дона носқовоғи ўғирланганлигини, М.Расулов бошқа нарсаларни ўғирлашга улгурмаганлигини билганлигини, ҳарбий гувоҳномаси ошхонанинг деворига мих орқали илинган қора сумкамни ичида турган бўлганлигини, бир дона билакузук ётоқхонасининг шкафчаси ичида турганлигини, уни яшаш уйидан 2025 йилнинг 20 сентябрь кунидан 29 сентябрь кунига қадар бир дона 100 АҚШ доллари ва 200.000 сўм пуллари,



икки дона ошхона пичоғи, икки дона қўл соати, бир дона носқовоғи, бир дона қўлфонари, бир дона баҳоси 100.000 сўмлик билак узук, “Samsung A10” ва бир дона “Samsung A02” русумли телефон аппарати жами баҳоси 5.396.000 сўмлик моддий бойликлари ҳамда ҳарбий хизматни ўтаганлик бўйича гувоҳномаси ўғирланганлигини билганлигини, у М.Расуловни кўриб қолган вақтида у уни яшаш уйи ошхонасига ғайриқонуний кириб, у келиб қолганлиги сабабли эшикни ёнида деворга суяниб, ундан яшириниб турганини кўрганлигини, у М.Расмуловга тўхташни айтган вақтида, у унга ҳеч нарса демасдан қочиб, чиқиб кетганлигини, дастлабки тергов жараёнида унинг бир дона “Samsung A10” ва бир дона “Samsung A02” русумли телефон аппаратлари топиб беришганлигини, қолган моддий ва маънавий зарарлари суд жараёнида судланувчи М.Расуловнинг яқин қариндошлари томонидан тўлиқ қоплаб берилганлигини, ҳозирда уни судланувчи М.Расуловга нисбатан даъвоси йўқлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

-фуқаровий даъвогар Жаниқулов Расулжон Исматулло ўғлининг суддаги, у Иштихон тумани “Қирқйигит” маҳалласида яшовчи И.Хикматовни танишлигини, у уни маҳалладоши бўлишлигини, у бир йилдан буён Иштихон тумани “Дехқон” бозори олдида телефонларни сотиб олиш, сотиш ва уларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланиб келишлигини, 2025 йилнинг 20 сентябрь куни соат тахминан 18:30 ларда у “Дехқон” бозори олдида ўз ишлари билан банд бўлган вақтида уни олдида маҳалладоши М.Расулов келганлигини ва унга сотиладиган телефонлари борлигини, ушбу телефон аппаратларини сотиб олишни таклиф қилиб, унга икки дона “Samsung A10” ва “Samsung A02” русумли телефон аппаратларини кўрсатганлигини, у ушбу телефон аппаратлари кимга тегишли эканлигини сўраганида, у ушбу телефон аппаратлари маҳалладоши Қ.Қайимовга тегишли эканлигини айтганлигини, у Қ.Қайимовга қўнғироқ қилиб, бўлган ҳолатни айтиб, Қ.Қайимовга ушбу икки дона телефонларни М.Расулов унга олиб келганлигини ва ушбу телефонларни сотмоқчи бўлганлигини айтганида, Қ.Қайимов телефон аппаратларини олаверишлигини, М.Расулов уни қўлида ишлашлигини, бирор муаммо бўлса улар шу ерда эканлигини айтганлигини, сўнг М.Расулов ушбу телефон аппаратларини 500.000 сўмга сотишлигини айтганида, у ушбу телефонларни 500.000 сўмга олмаслигимни, ушбу телефонларни ҳолати эскирганлигини ва у бунча нархга олмаслигимни айтганлигини ва у М.Расулов билан ушбу телефон аппаратларини 450.000 сўмга сотиб олишга келишганлигини, кейин у М.Расуловга 450.000 сўм миқдоридаги пулларни бериб, ундан икки дона телефон аппаратларини сотиб олганлигини, кейин у ушбу телефон аппаратларини бир аёл ва бир эркак харидорларга сотиб юборганлигини, 2025 йилнинг 10 октябрь куни уни иш жойига туман ИИБ ходимлари келишганлигини ва у М.Расуловдан сотиб олган икки дона телефон аппаратларини ўғирланган эканлигини, ушбу телефон аппаратлари Иштихон тумани “Қирқйигит” маҳалласида яшовчи И.Хикматовдан ўғирлаб олиб кетилганлигини айтишганлигини, сўнг у М.Расуловдан сотиб олган “Samsung A10” ва “Samsung A02” русумли телефон аппаратларини сотган



шахсларидан қайтариб олиб берганлигини, у ушбу унга олдиндан нотаниш бўлган шахсларни пулини ўзи қайтарганлигини, у М.Расуловнинг телефон аппаратларини ўғирлаб олиб чиққанлиги ҳолати юзасидан умуман хабари бўлмаганлигини, унга М.Расулов ушбу ҳақида айтмаганлигини, балки телефон аппаратлари Қ.Қайимовга тегишли эканини айтганлигини, у Қ.Қайимов билан телефон орқали гаплашганидан сўнг телефон аппаратлари ўғирланмаган деган хулосага келиб, ушбу телефон аппаратларини сотиб олганлигини, унга нисбатан етказилган 450.000 сўм миқдоридаги моддий зарар судланувчининг яқин қариндошлари томонидан тўлиқ қоплаб берилганлиги сабабли, судланувчи М.Расуловга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

-гувоҳ Қаюмов Қадам Қаюм ўғлининг суддаги, И.Хикматов ва М.Расуловни танишлигини ва улар уни маҳалладоши бўлишлигини, 2025 йилнинг 20 сентябрь куни соат тахминан 18:30 ларда унга М.Расулов кўнғироқ қилганлигини ва унга ўзига тегишли бўлган икки дона телефон аппарати борлигини, ушбу телефон аппаратларини сотиш учун маҳалладоши телефон олиб-сотувчи Р.Жониқуловнинг олдига келганлигини, ушбу телефон аппаратларини унга тегишли эканини тасдиқлашни, телефон аппаратларини пул зарур бўлганлиги сабабли сотаётганлигини айтиб, унга ушбу телефонни сотишга ёрдам бериб юборишини сўраганлигини, сўнгра у М.Расуловни фермер хўжалигида ишлаганлиги, ишончли одам бўлганлиги сабабли у унинг гапларига рози бўлиб, Р.Жониқуловга ушбу телефон аппаратларини сотиб олаверишлигини, агарда бирор муаммо бўлса бир маҳалладан бўлганлиги сабабли шу ерда эканлигини билдирганлигини, лекин у М.Расуловдан телефон аппаратларини сотишга ёрдамлашгани учун моддий манфаатдор бўлмаганлигини ва ушбу телефон аппаратлари ўғирланган эканлигидан хабари бўлмаганлиги ҳақидаги кўрсатуви;

-судда дастлабки терговдаги кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган гувоҳ Н.Ишратованинг кўрсатувлари билан;

-шунингдек, судланувчилар Расулов Мўмин Абдивахоб ўғлининг айби, жиноят иш материалида мавжуд бўлган ҳужжатлар билан, яъни 102 рақамга келиб тушган жиноят ва ҳодисаларга оид ариза ва хабар; ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадваллар; тушунтириш хатлари; далилий ашёни олиш ҳақидаги баённома; далилий ашёни олиш ҳақидаги баённома; нарсани кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадваллар; нарсани таниб олиш учун кўрсатиш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадваллар; ашёвий далил деб эътироф этиш ва жиноят ишига қўшиш ҳақидаги қарор; сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа ҳужжатлар билан тасдиғини топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли Қарорининг 9-моддаси “а” кичик бандида “тергов ҳаракати қонунда назарда тутилган ҳолларда прокурор ёки суднинг розилиги олинмасдан ўтказилган



бўлса (кечиктириб бўлмайдиган ҳоллар бундан мустасно) далил мақбул эмас деб топилади деб кўрсатилган.

Суд, жиноят иши бўйича йиғилган барча далилларга баҳо берар экан, ушбу далиллар жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқлайди деб ҳисоблаб, ишга алоқадар деб эътироф этади.

Шунингдек, ушбу далиллар белгиланган тартибда тўпланган ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 90, 91, 92-95-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги учун мақбул деб, текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланганлиги учун ишончли далиллар деб эътироф этади.

Суд, судланувчи Расулов Мўмин Абдиваҳоб ўғлининг ҳарбий билетни ғаразғўйлик ёки бошқа паст ниятларда эгаллаш, уларни яширганликда ифодаланганликда жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 227-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Бироқ, суд судланувчи Расулов Мўмин Абдиваҳоб ўғлининг ижтимоий хавfli қилмиши дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” бандида, такроран ёки хавfli рецидивист томонидан ўғрилиқ, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 5-майдаги “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги 13-сонли Қарорининг 4-бандида, “Жиноятлар такроранлигини бир қатор айнан ўхшаш хатти-ҳаракатлар билан турли вақтларда содир этилган бўлса-да, бироқ ягона қасд билан қамраб олинган, объекти ва содир этиш усули, оқибатлари бир хиллиги жиҳатидан ўзаро ўхшаш давомли жиноятдан фарқлаш лозим. Бундай ҳолларда барча қилмиш Жиноят кодексининг мазкур жиноятни содир этганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи битта моддаси ёки моддаси қисми билан квалификация қилиниши лозим” деб раҳбарий тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 32-моддаси 3-қисмида “Умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди” деб кўрсатилган.

Иш ҳужжатларига кўра, судланувчи Расулов Мўмин Абдиваҳоб ўғли, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2025 йилнинг 20 сентябрь куни соат 17:00да Иштихон тумани “Қирқийгит” маҳалласида яшовчи жабрланувчи Хикматов Ибрагим Нигматовичнинг яшаш хонадонига ғайриқонуний равишда кириб, унинг ошхонасида бўлган умумий баҳоси 2.000.000 сўмлик бир дона “Samsung A10” ва бир дона “Samsung A02” умумий телефон аппаратларини яширин равишда талон-торож қилиб, воқеа



жойидан яширинганидан сўнг, унинг содир этган жинояти фoш этилмаганидан фойдаланиб, ўзининг жинoий хараكاتини давом эттириш мақсадида, 2025 йилнинг 22 сентябрь кунидан 29 сентябрь кунига қадар бўлган вақт оралиғида жабрланувчи Хикматов Ибрагим Нигматовичнинг яшаш хонадонидан 100 АҚШ доллари, икки дона ошхона пичоғи, икки дона қўл соати, бир дона носқовоғи, бир дона қўл фонари, 200.000 сўм миқдордаги пулларни, бир дона баҳоси 100.000 сўмлик билакузукни, жами баҳоси 3.396.000 сўмлик моддий бойликларини ҳамда яшаш уйининг ошхонасида бўлган жабрланувчи И.Хикматовга тегишли муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳарбий гувоҳномасини яширин равишда талон-торож қилган, яъни унинг қасди жабрланувчи И.Хикматовни яшаш хонадоидаги моддий бойликларини ўғирлашга қаратилган бўлиб, бир жиноят таркибини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарори 5-бандида “Судларнинг эътибори, ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилиши, судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари кераклиги, суд ҳукмда, суриштирув, дастлабки тергов ёки бошқа суд мажлисидаги судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларига, экспертларнинг хулосаларига ва тергов ҳаракатлари баённомаларига, ЖПКнинг 443-моддасига мувофиқ, ушбу далилларга фақатгина суд мажлисида ўқиб эшиттирилган ва текширилгандагина ҳавола қилиниши мумкин”лиги тушунтирилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддасининг 3-қисмига кўра, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим, 463-моддасининг 1-қисмига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина айблов ҳукми чиқарилади, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва карама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгагина асос қилиб олиниши лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида, “Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади.

Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак.



Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин” деган раҳбарий қоида белгиланган.

Суд, судланувчи Расулов Мўмин Абдихаҳоб ўғлининг муқаддам судланмаганлигини ва унинг ижтимоий хавфли қилмиши умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилишлигини инобатга олиб, унинг ўғрилиқ, яъни уй-жойга ғайриқонуний равишда кириб, ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилишда ифодаланган ижтимоий хавфли қилмишини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” бандидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “г” бандига қайта малакалашни лозим топди.

Суд, судланувчи Расулов Мўмин Абдихаҳоб ўғлининг жиноят содир этишдаги ҳолатларини муҳокама қилиб, унинг ўз айбига тўлиқ иқрорлигини ва содир этган қилмишидан пушаймон эканлигини, муқаддам судланмаганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолат деб топиб, унинг ушбу жиноятни ғараз ниятда содир қилганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар деб эътироф этади.

Суд, судланувчи Расулов Мўмин Абдихаҳоб ўғлига нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, унинг содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандидаги “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин” деб кўрсатилган;

-Ушбу Пленум Қарорининг 37-бандидаги “Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин” деган раҳбарий тушунтиришларига;

-Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасидаги, “жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак” деган инсонпарварлик принципига;

-шунингдек 2023 йил 30 апрель куни қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-хатбошида мустаҳкамлаб қўйилган “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли иши керак” деб кўрсатилган юқори эътироф-ли кўрсатмаларга амал қилиб,



судланувчи М.Расуловни айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлигини, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг даъволари йўқлигини, оилавий шароитини, моддий аҳволини, шахсини инobatга олиб, уни жамиятдан ажратмасдан ахлоқан тузатиш имконияти мавжуд деб ҳисоблаб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, содир этган жинояти учун Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ жазо тайинлашликни, ЖКнинг 227-моддаси 2-қисми санкцияларида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни, тайинланган жазоларни ЖКнинг 59-моддасига асосан қисман қўшишни ҳамда ЖКнинг 62-моддасига асосан унинг дастлабки қамокда сақланган ҳар бир кунини озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштириб, тайинланган озодликни чеклаш жазосидан чегиришни ва унга нисбатан қўлланилган “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилиб, уни суд залидан дарҳол қамокдан озод қилишни лозим топади.

Шунингдек, судланувчи Расулов Мўмин Абдиваҳоб ўғлига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 3-қисмига мувофиқ, унинг келгусида яна қасддан жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида, муайян жойларга, яъни кафе, бар, ресторанларга бормаслик, алкоғолли ичимликлар истеъмол қилмаслик, жазони ижро этиш органи томонидан унга тайинланаётган жазонинг ижросини тўлиқ назорат қилиш имкониятини яратиш мақсадида назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ва яшаб турган вилоят ҳудудини тарк этмаслик каби қўшимча тақиқларни юклашни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, ашёвий далил деб эътироф этилган, фуқаро Н.Ишратовадан ҳужжатлаштириб олинган бир дона “Samsung A10” русумли уяли телефон аппарати ва фуқаро А.Хошимжоновдан ҳужжатлаштириб олинган “Samsung A02” русумли телефон аппарати тегишлича жабрланувчи И.Хикматовга тилхат орқали қайтарилганлигини инobatга олишни лозим топди.

Шунингдек, суд жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарларга етказилган бошқа турдаги моддий ва маънавий зарарлар юзасидан даъволари бўлган тақдирда тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда ҳудудийлик бўйича фуқаролик ишлари бўйича судига мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига амал қилиб, суд ҳукм қилади:

Ҳ У К М

Судланувчи **Расулов Мўмин Абдиваҳоб ўғли** (Rasulov Mo'min Abdivahob o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “г” банди ва 227-моддаси 2-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.



Унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “г” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 2 (икки) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 227-моддаси 2-қисми “а” банди билан 1 (бир) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Расулов Мўмин Абдихаҳоб ўғлига нисбатан тайинланган жазоларни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасига асосан қисман қўшиш йўли билан, узил кесил 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси асосан судланувчи Расулов Мўмин Абдихаҳоб ўғлини 2025 йил 15 декабрь кунидан 2026 йил 19 февраль кунига қадар 2 (икки) ой 6 (олти) кун қамокда сақланган ҳар бир кунини озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштириб, озодликни чеклаш жазосининг 2 (икки) ой 6 (олти) кунини ўталган деб ҳисоблансин ва ўташлик учун 2 (икки) йил 3 (уч) ой 24 (йигирма тўрт) кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.

Жазо, М.Расуловнинг яшаш жойида, яъни Иштихон тумани, “Қирқийгит” МФЙ, Қирққиз қишлоғида жойлашган уйида белгилансин ҳамда иш жойига бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқиш чеклансин.

Судланувчи Расулов Мўмин Абдихаҳоб ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддаси 3-қисмига асосан;

-озодликни чеклаш давомида муайян жойларга, яъни (кафе, бар, ресторанларга) бормаслик;

-алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик;

-назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-Самарқанд вилояти ҳудудини тарк этмасликдан иборат қўшимча чеклашлар юклатилсин.

М.Расуловнинг тақиқларга (чеклашларга), риоя этиши устидан назорат олиб бориш Иштихон туман ИИБ бошлиғи зиммасига юклатилсин ва жазони ўташ муддати, у жазони ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Расулов Мўмин Абдихаҳоб ўғлига нисбатан қўлланилган “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат” эҳтиёт чорасига ўзгартирилсин ва у дарҳол ҳибсдан озод қилиниб ҳамда унга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарларга етказилган бошқа турдаги моддий ва маънавий зарарлар юзасидан даъволари бўлган тақдирда тегишли хужжатларни илова қилган ҳолда ҳудудийлик бўйича фуқаролик ишлари бўйича судига мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали



Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья:

Ж.Раупов

